

ТАНОСИЛ КАСАЛЛИГИНИ ЮҚТИРИШ ЖИНОЯТИНИНГ СУБЪЕКТИВ ТОМОНИ

Рўзиев Иззатулло Неъматуллоевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Олий таълимдан кейинги таълим факультети

таянч докторантура докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17579234>

Жиноят субъектив белгилари тизимида субъектив томон алоҳида аҳамиятга эга. Жиноятнинг субъектив томони деганда, шахснинг жиноят содир этиш билан бевосита боғлиқ бўлган руҳий фаолияти тушунилади. Жиноятнинг объектив томони унинг фактик мазмунини белгиласа, субъектив томон жиноий қилмишнинг руҳий мазмунини белгилайди, яъни айбдорнинг руҳиятида кечувчи жараёнларни тавсифлайди. Субъектив томоннинг мазмунини бевосита ҳиссий идрок этиш мумкин эмас, уни фақат содир этилган жиноятнинг барча объектив ҳолатларини атрофлича таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш йўли билан аниқлаш мумкин. Жиноят субъектив томонининг мазмуни айб, мотив ва мақсад каби юридик белгилар ёрдамида ёритилади. Мазкур белгилар бир-бири билан узвий боғлиқ ва бир-бирини тақозо этиб, ҳар бири алоҳида мустақил мазмунга эга ҳисобланади. Субъектив томон жиноят ҳуқуқи назариясининг энг муҳим қисмларидан биридир.

В.Н.Кудрявцев жиноят субъектив томони жиноят субъект руҳиятида ифодаланган жиноятнинг объектив томонини ўзига хос “моделни” деб атаб, у ўз ичига айбдорнинг содир этган қилмишига, унинг оқибатларига нисбатан ақлий ва иродавий муносабатини, унинг фаолияти мақсади ва мотивларини ҳамда жиноят содир этиш пайтида унинг эмоционал ҳолатини қамраб олиши бўйича билдирган фикрини билдирган¹.

Жиноят содир этишда жиноят таркибининг субъектив томони асосий аҳамиятга эга, сабаби жиноят содир этиш учун объектив имкониятни ҳақиқий воқеликка айлантириш фақат тегишли шароитларда жиноят субъектининг иродаси ва онгига боғлиқдир.

Жиноятнинг субъектив томони жиноий жавобгарликни асослаш, жиноятни квалификация қилиш ҳамда жазо тайинлашда муҳим аҳамиятга эга. Шахснинг ўз қилмишига бўлган руҳий муносабати характерига кўра, жиноят таркибининг субъектив томони ўз ичига мотив (ният) ва мақсад (факультатив), айб каби зарурий белгиларни олади.

Б.Ф.Юсупов таъкидлашича, “фақат қонунда назарда тутилган айб шаклининг мавжудлиги аниқланган тақдирда содир этилган қилмишда жиноят таркиби ҳамда жиноий жавобгарлик учун асос мавжуд, деб топилиши мумкин”². Жиноятнинг субъектив томонини аниқ белгилаш жиноятни тўғри квалификация қилиш ва шахснинг

¹ Кудрявцев В. Н. Общая теория квалификации преступлений. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Юристъ, 2007. - С.172.

² Юсупов Б.Ф. Суд ҳужжатларини бажармаганлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари. –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011. –Б.115-116

айби даражасини ҳисобга олган ҳолда адолатли жазо тайинлашнинг зарурий шартидир³.

ЖКнинг 20-моддасига асосан. Ижтимоий хавfli қилмишни қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этган шахс жиноят содир этилишида айбдор деб топилиши мумкин. Айбнинг ушбу икки шакли ўзаро ақлий ва иродавий белгиларига кўра фарқланади. Улардан айбнинг қасд шакли жиноят субъекти содир этаётган қилмишнинг ижтимоий хавfliлик хусусиятини англаганлиги ва шундай қилмишни содир этишни истаганлиги билан хавfliдир.

Мотив ва мақсад орқали жиноятнинг хусусияти, қилмишнинг ижтимоий хавfliлик даражаси, қилмишнинг сабаби, субъектнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлари белгиланади. Мотив ва мақсадни тадқиқ этиб, В.Н. Кудрявцев мотив ўзида аниқ бир объектга йўналтирилмаган ички кўзғалишни намоён этади. Мақсад эса ушбу мотивни қондириш учун қандай натижага эришиш кераклигини кўрсатади деган хулосага келган ⁴. А.И. Парогнинг фикрича, “мотив эҳтиёжлардан келиб чиқади ва маълум даражада мақсаднинг шаклланишига ҳисса қўшади, мақсад мотив билан биргаликда маълум бир тарзда исталган натижага эришиш истагини келтириб чиқаради”⁵. М.Х. Рустамбоев жиноят мотиви – бу шарт бўлган муайян эҳтиёжлар ва манфаатларнинг анланган ёки анланмаган ички хоҳиш-нияти бўлиб, шахс жиноят содир этишда унга таянади. Мотив жиний фаолиятга шахсни фаол қизиқтирувчи омил (стимул) ҳисобланувчи куч ва шиддат билан интилишини беради деб ҳисоблайди⁶.

Юқорида ҳуқуқшунос олимлар томонидан билдирилган фикрлардан, қўйдаги қарашлар мавжуд, яъни шахс жиноят содир этишида аввал мотив пайдо бўлади, кейин эса мақсад шакланади.

Таносил касаллигини юқтириш жиноятнинг мотиви ва мақсади квалификацияни ўзгартириб, жиний жавобгарликни оғирлаштирмайди. Чунки, қонун чиқарувчи томонидан ЖКда жиноятни тавсифловчи асосий белгилар сифатида кўрсатилмаган.

Таносил ёки ОИВ касаллигини юқтиришнинг сабаблари турлича бўлиши мумкин. Бундай ҳолатлар баъзан қасос олиш, душманлик, ҳасад ёки нафрат туйғулари, бошқаларга нисбатан аччиқланиш, шунингдек, алкоголь ёки гиёҳванд моддалар таъсирида ахлоқий назоратнинг сусайиши натижасида жинсий алоқа қилиш истаги билан боғлиқ ҳолда содир этилади.

Таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш жиноятнинг субъектив томони, ушбу жиноятни квалификация қилишда асосий ўрин эгаллайди.

Жиноят ҳуқуқи олимлари ўртасида таносил касаллигини юқтиришнинг субъектив томони тўғрисидаги масала бироз баҳслидир. Ушбу жиноятнинг субъектив томони бўйича олимлар қўйдаги фикрларни билдиришган, жумладан:

³ Мирзаев У. М. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талонторож қилиш учун жавобгарлик. Монография. // Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Б.Ж.Ахраров. –Тошкент: ТДЮИ, 2011. –Б.75

⁴Кудрявцев В.Н. Генезис преступления. Опыт криминологического моделирования. М.,1998. С. 101.

⁵ Парог А.И. Проблемы квалификации преступлений по субъективным признакам. Монография. – Москва.: Проспект, 2018. – С. 113

⁶ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. I том. Умумий қисим. –Т.: “Ilm ziyo” 2010., - Б.198.

биринчи гуруҳ, И.О. Зинченко ва О.О. Володиналар таносил касаллигини юқтириш жиноятининг субъекти ўзида таносил касаллиги бўлмаган шахс ҳам бўлиши мумкин дея таъкидлаб, шу сабабли ушбу жиноятининг субъектив томони айбнинг икки шаклида қасддан ҳамда эҳтиётсизликдан содир этилади дея ҳисоблайдилар⁷.

В.И.Зубкова⁸, Ю.Е.Пудовочкин⁹, Э.Ф.Побегайлолар¹⁰ ҳам таносил касаллигини юқтириш жиноятнинг субъектив томони қасддан ҳамда эҳтиётсизлик натижасида содир этилади, дея таъкидлашган.

Биринчи гуруҳ олимларнинг мазкур фикрларига қўшилиш қийин, зеро қонун чиқарувчи таносил касаллигини юқтириш жинояти учун жавобгарликни айбнинг қасд шаклида назарда тутган. Шунингдек, мазкур касаллик ОИВ касаллигига нисбатан ижтимоий хавфлилиги юқори бўлмаганлиги сабабли шифокор томонидан эҳтиётсизлик натижасида бошқа шахсга таносил касаллигини юқтирса интизомий жавобгарлик белгиланган.

иккинчи гуруҳ, А.И. Чучаева¹¹ ҳамда М.И. Загородниковларнинг фикрларига кўра ушбу жиноят қасддан содир этилиб, жиноятни қасддан содир этиш билан жиноятчи бошқа шахсга таносил касаллигини юқтиришни хоҳлайди ёки бундай ҳаракатларга бефарқ бўлиб, уларнинг пайдо бўлишига имкон беради¹².

М.Х. Рустамбаев¹³, Р.Кабулов, А.А.Отажонов¹⁴ ва бошқаларнинг фикрларига кўра таносил касаллигини юқтириш тўғри ёки эгри қасд билан содир этилади.

Иккинчи гуруҳ олимларининг фикрларини қўллаб-қувватлаш мумкин. Яъни, шахс ўзида таносил касаллиги борлигини ва касаллик жабрланувчининг соғлигига зарар етказиш хавфини билади, унинг ҳаракати жабрланувчига таносил касаллигини юқишига кўзи етади ва уни олдиндан кўра олади. Айбдор шахс таносил касаллиги билан оғриган ҳолда, жабрланувчининг ҳам ушбу касалликка чалинишини хоҳлаб ҳаракат қилади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб айтишимиз керакки, таносил касаллигини юқтириш жиноятининг субъектив томони айбнинг қасд (тўғри ва эгри)шакли билан ифодаланади, яъни шахс ўзида мавжуд касалликни бошқа шахсга юқтиришнинг ижтимоий хавfli эканлигини билади, таносил касаллигини жабрланувчига юқтириши оқибатида жабрланувчининг ҳаётига ва соғлигига зарар етиши мумкинлигига кўзи етади ва соғлигига зарар етказишни истайди.

⁷ Зинченко И.О., Володина О.О. Кваліфікація кримінальних правопорушень проти життя та здоров'я особи. Харків: Право, 2019. 248 с.

⁸ Зубкова В.И. Ответственность за преступления против личности по законодательству России. - М.: Норма, 2005. - С. 149,153.

⁹ Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации (постатейный) / Под ред. А.В. Бриллиантова. - М.: Проспект, 2010. - С. 438,442.

¹⁰ Российское уголовное право. В 2 т. Т. 2. Особенная часть: учебник / Под ред. Заслуженного деятеля науки РФ, д.ю.н., проф. Э.Ф. Побегайло. - М.: Илекса, 2008. - С. 129-132.

¹¹ Уголовное право. Особенная часть: учебник для бакалавров / под ред. А. И. Чучаева. — 2-е изд., перераб. и доп. — Москва : Проспект, 2015. — 42 с.

¹² Загородников Н.И. Преступления против здоровья. М., 1969.

¹³ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. III том. Махсус қисм. . –Т.: «Ilm ziyo», 2010., -Б. 167.

¹⁴ Кабулов Р., Отажонов А.А. ва бошқ. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – 94 б.

Айбдор томонидан ўз ҳаракатларини ижтимоий хавфлилигини англаши (ақлий) ҳамда оқибатларни юз беришини исташи ва оқибатларни юз беришига йўл қўйиши (иродавий) каби белгилар мажмуаси таносил касаллигини юқтириш тўғри ва эгри қасд билан содир этилишини кўрсатади.

Таносил касаллигини икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан юқтириш (ЖК 113-модда 3-қисми “а” банди) субъектив белгиларига кўра қилмиш учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобланади.

ЖК 32-моддасининг 1-биринчи қисмига зид ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” ги 13-сон қарорида ҳам икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан ягона қасд билан содир этилмаган ва турли вақтда содир этилган бўлса такроран жиноят сифатида баҳоланилиши белгиланган.

Агар айбдорнинг субъектив томони ягона қасд билан ифодаланган бўлиб, у таносил касаллигини икки ёки ундан ортиқ шахсга юқтирган бўлса, унинг қилмиши Жиноят кодексининг 113-моддаси 3-қисми “а” бандига мувофиқ баҳоланиши лозим.

Суд-тергов амалиётида айбдор томонидан турли вақтларда алоҳида қасд билан турли шахсларга нисбатан таносил касаллигини юқтириш ҳаракатлари содир этилмоқда. Айбдор томонидан содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш ЖК 32-моддасига асосан такроран жиноят ҳисоблансада, амалдаги жиноят кодексининг 113-моддасида таносил касаллигини юқтириш учун оғирлаштирувчи қисмда такроранлик белгиси мавжуд бўлмаганлиги сабабли ЖК 113-моддаси 3-қисми “а” банди “Икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан” билан жавобгарлик белгиланмоқда.

ЖК 8-моддасида ўз аксини топган одиллик принципига кўра жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак.

Шунингдек, ўрганилаётган моддада хавфли рецидивист томонидан таносил касаллигини юқтириш учун ҳам жавобгарлик белгиланмаган. Жиноят кодексига хавфли рецидив жиноят деб топиш шахснинг илгари содир этган жинояти учун судлангандан кейин айнан унга ўхшаш янги жиноятни қасддан содир этиши билан белгиланган.

Ўрганилган жиноят иши материалларининг таҳлилига кўра, Термиз шаҳрида яшовчи фуқаро Б.С. таносил касаллигини юқтирганлик учун жавобгарликка тортилиб, судланганлик муддати ўтмасдан фуқаро А.Д.га таносил касаллигини юқтирган.

Ушбу моддада хавфли рецидивист томонидан таносил касаллигини юқтирганлик учун оғирлаштирувчи ҳолат белгиланмаганлиги сабабли суд-тергов амалиётида жазо тайинлашда муаммоларни юзага келтирмоқда. Шунингдек, таҳлилларга кўра, айрим хорижий давлатлар ЖКларида ҳам таносил касаллигини “такроран ёки судланган шахс томонидан” содир этилиши оғирлаштирувчи қисм сифатида белгиланган. Жумладан: Украина (ЖК 133-м.)¹⁵, Эстония (ЖК 119-м.)¹⁶.

¹⁵Уголовный кодекс Украины. Электрон манба. URL:https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30418109&doc_id2=30418109#pos=102;-96&pos2=1806;-62

¹⁶Уголовный кодекс Эстония. Электрон манба. URL: <https://www.wipo.int/wipolex/ru/legislation/details/16677> (

Суд-тергов амалиётида таносил касаллигини юқтириш такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилиш ҳолатлари учраётганлиги, шунингдек юқоридаги таҳлилларга асосан, Жиноят кодексининг 113-моддасининг 3-қисмини қўйидаги мазмундаги янги “г” банд билан тўлдириш лозим:

“г) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса”.